



## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИНИ ЮЗАГА ЧИҚИШИНING ТАРИХИЙ САБАБЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

**Алимов Ильхомжон Икромович**

*ТДТрУ "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси доценти, и. ф.н., Тошкент, Ўзбекистон.* [ilhomikromovich2805@gmail.com](mailto:ilhomikromovich2805@gmail.com)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss5/a6](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a6)

### **Аннотация**

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети тақчиллигининг келиб чиқишининг тарихий сабаблари ва омиллари очиб берилган. Давлат бюджети тақчиллигининг мамлакатимиздаги реал ҳолати амалий маълумотлар асосида ёритиб берилган. Мақолада қиёсий таҳлил усули асосида Ўзбекистонда давлат бюджети тақчиллигини келиб чиқишининг тарихий омилларига муаллифлик баҳоси берилган.

**Калитли сўзлар:** Давлат, қонун, вазифалар, бюджет, бюджет тизими, даромадлар, харажатлар, тақчиллик.

### **Аннотация**

В данной статье раскрываются исторические причины и факторы возникновения дефицита государственного бюджета Республики Узбекистан. В статье с использованием метода сравнительного анализа дана авторская оценка причинам и факторам возникновения дефицита государственного бюджета Узбекистан.

**Ключевые слова:** Государство, закон, функции, бюджет, бюджетная система, доходы, расходы, дефицит.

### **Abstract**

This article reveals the historical causes and factors of the state budget deficit of the Republic of Uzbekistan. In the article, using the method of comparative analysis, the author's assessment of the causes and factors of the state budget deficit in Uzbekistan is given.

**Key words:** State, law, functions, budget, budget system, revenues, expenses, deficit

### **Кириш**

Давлат зиммасига юклатилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни тўлиқ, ўз муддатларида ҳамда ижобий ҳал этиши учун керакли молиявий асос талаб этилади. Ушбу молиявий асоснинг марказий бўғинини давлат бюджети ташкил этади. Давлат молиясини соғломлаштириш, унинг даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган бюджет-солиқ тизимидаги ислохотларнинг hozirgi bosqichida янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги даврда ташқи қарз ва давлат бюджети тақчиллиги муаммоси нафақат иқтисодчи олимларнинг, балки дунёдаги қашшоқ ёки ривожланаётган мамлакатлар

билан бир қаторда иқтисодиёти тараққий топган мамлакатлар ҳукуматларининг ҳам асосий диққат эътиборига тушган умумиқтисодий ҳолат ҳисобланади. Айниқса, ушбу муаммо ҳамон давом этаётган коронавирус пандемиясига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар ва иқтисодий фаолликнинг кескин пасайишининг оқибатларини бартараф этишда жиддий тус олмоқда. Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида дунёдаги кўплаб, шу жумладан иқтисодиёти тараққий этган давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, молия – банк соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, дунёдаги кўплаб давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди ҳамда молиявий номутаносибликнинг юзага чиқишига сабаб бўлди.

Мустақилликка эришилган йилдан бошлаб республикамизда давлат бюджети тақчиллик билан ижро этиб келинмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан давлат бюджети даромадларини ошириш ва уларни мунтазам равишда келиб тушишини таъминлаш, давлат бюджети харажатларини самарали ҳамда манзиллик сарфланишини олиб боришлари натижасида давлат бюджети тақчиллигининг белгиланган меъёр даражасидан ортиб кетмаслигига эришилмоқда. Лекин эришилган ижобий натижаларга қарамасдан Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда ҳам давлат бюджети тақчиллиги муаммоси мавжуд. Мамлакатимизда 2018 йилда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,8 фоиз, 2019 йилда 1,1 фоиз, 2020 йилда 1,9 фоиз ва 2021 йилда 5.4 фоиз тақчиллик билан ижро этилди. 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,0 фоиз миқдорида тақчиллик билан қабул қилинди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида давлат бюджетининг белгиланган миқдоридаги даромадлар билан таъминлаш масаласининг айрим қийинчиликлар билан ҳал этилаётганини, кейинги йилларда солиқ юкини енгиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилаётганлиги натижасида давлат бюджети тақчиллиги давлатнинг олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Шу боисдан ҳозирги вақтда давлат бюджетини оқилона ва самарали, яъни унинг меъёридан ортмаган тақчиллигисиз ижро этишни таъминлаш жуда долзарб масала эканлигидан далолат бермоқда. Ушбу ҳолатга ўз диққат эътиборини қаратган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қўйидагиларни алоҳида таъкидлади “Шунингдек, 2021 йилда иқтисодиётни камида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5.4 фоиздан ошмаслигини таъминлашимиз зарур. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмаслик бўйича Ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим.”[1] Шунинг учун давлат бюджетини, шу жумладан бюджет тақчиллигини қисқартиришнинг назарий-амалий асосларини янада такомиллаштириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ушбу омил республикамизда давлат бюджети тақчиллиги муаммосини чуқур ва хар тамонлама ўрганишликни талаб этади.

Халқаро амалиётда иқтисодий адабиётларда етакчи иқтисодчи олимлар хар бир давлатнинг молия тизимини асосий бўғини бўлган давлат бюджети ва бюджет тақчиллиги, уни бошқариш муаммоларига катта эътибор қаратиб келишган ва ҳозирда ҳам эътибор бермоқдалар. Буюк Британиялик машҳур иқтисодчи ва йирик давлат арбоби Жон Мейнар Кейнс [3], Россиялик етук иқтисодчилар иқтисодиёт фанлари доктори, академик Г.Б. Поляк [4] ва иқтисодиёт фанлари доктори, профессор М. Архиповларнинг [5] илмий изланишларида давлат бюджетини тақчиллигининг моҳияти ва унинг хусусиятлари кенг очиб берилган.

Халқаро амалиётда давлат бюджети тақчиллигини моҳияти, унинг келиб чиқиш сабаблари ва тақчилликни хисоблаш масалалари етакчи иқтисодчи олим Карсон Роберт Бнинг изланишларида чуқур ва хар томонлама таҳлил этилган. [6]

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар иқтисодиёт фанлари докторлари, профессорлар Т.С. Маликов, Н.Х.Хайдаров [7] илмий изланишларида Ўзбекистонда давлат бюджетини тақчиллигининг моҳияти ва унинг хусусиятлари ёритиб берилган.

У.Бурхановнинг [8] илмий изланишида Ўзбекистонда давлат бюджети тақчиллиги масаласи Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йилдан бошлаб таҳлил этилган.

Мамлакатимизда 2018 йилда БМТТД ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилишга кўмаклашиш” деб номланган қўшма лойиҳаси доирасида “Фуқаролар учун 2019 йил бюджет лойиҳаси тўғрисида”ги статистик – кўргазмали рисолаи чоп этилиши мамлакатимиз аҳолиси учун кутилмаган воқеа бўлди. Бунинг натижасида республикамиз аҳолиси ўртасида давлат бюджети тақчиллигининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва уни қисқартириш тўғрисида турли саволлар юзага чиқди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиздаги иқтисодий адабиётларида давлат бюджети тақчиллиги Ўзбекистонга собиқ иттифоқдан мерос бўлиб ўтган деган фикрлар билдирилган. Лекин, давлат бюджети тақчиллигини юзага чиқишининг тарихий сабаблари ва унинг омиллари тўғрисида ҳозиргача аниқ маълумотлар берилмаган. Биз мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тақчиллигини юзага чиқишининг “илдизини” тарихий сабаблари ва омилларини амалий маълумотлар асосида ёритишга ҳаракат қиламиз.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида олинган маълумотларга ишлов беришда мантиқий мушоҳада, адабиётларни танқидий ўрганиш, таққослаш, тизимли таҳлил ва иқтисодий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Маълумки, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Албатта, бу оламшумул ахамиятга эга воқеа эди. Лекин сиёсий мустақилликни иқтисодий мустақиллик билан таъминлашдек жуда муҳим ва бир вақтнинг ўзида ўта нозик масалани ҳал этиш лозим эди. Бундан ташқари аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий химоя қилиш мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикасининг олдида қўйилган асосий вазифалардан бири эди, чунки республиканинг собиқ СССР давридаги ижтимоий-ривожланишига, моддий, меҳнат салоҳиятига қарамасдан Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси бўйича 15та собиқ иттифоқдош республикалар таркибида 13-ўринда эди. Бундан ташқари

республикадаги беқиёс имкониятларига қарамасдан аҳолининг қашшоқлик даражаси бўйича собиқ иттифоқдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 3 баробар юқори эди [9]. Республикада ўша даврларда шаклланган ушбу муаммони ижобий ҳал этиш долзарб талабга айланган эди. Шунини таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда пул – кредит сиёсати ҳамон собиқ марказ Давлат банки томонидан ишлаб чиқилган турли қоидалар ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилган эди. Бундан ташқари ўша вақтда монополь эмиссия ҳуқуқига эга бўлган Россия Марказий банки рубли муомалада юрган барча давлатлар ҳудудида, шу жумладан, мамлакатимиз ҳудудида ҳам, пул барқарорлигини таъминлашга қаратилган барча чора – тадбирларни амалга оширилиши шарт эди. Ушбу масалаларнингнинг энг оғир томони шундан иборатки, Ўзбекистонга собиқ Иттифоқдан жуда катта миқдордаги бюджет тақчиллиги мерос бўлиб ўтган. Биз бу бюджет тақчиллигининг тарихий сабабларини ва омилларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Собиқ Иттифоқ даврида давлат бюджети 1989 йилга қадар расман тақчилликсиз даромадлар ва харажатлар баланслаштирилган ҳолда қабул қилинар ҳамда ижро этилиб келар эди. Мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар аста-секин давлат бюджети даромадларига салбий таъсирини кўрсата бошлади. 1985 йилда қабул қилинган алкогольга қарши кураш дастури асосида жуда кўплаб узумчилик билан шуғулланувчи республикаларда, яъни Молдова, Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон ва Арманистонда ихтисослаштирилган колхозлар ва совхозлардаги узум плантациялари режа асосида йўқ қилинди. Бу ҳолатнинг салбий томонлари шундан иборат эдики, уларда ишлаётганлар ишсиз қолиб, ишсизлар сонини оширди. Бундан ташқари ушбу республика давлат бюджетига келиб тушадиган солиқларнинг миқдорини кескин камайтириб юборди. Собиқ Иттифоқ давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини ўша даврда амал қилган айланмадан олинадиган солиқ (налог с оборота) ташкил этган. Айланмадан олинадиган солиғи эса асосан спиртли ичимликлардан катта миқдорда олинган. Мамлакатда ароқ-вино махсулотлари ишлаб чиқаришнинг жуда қисқариб кетиши натижасида давлат бюджетига айланмадан олинадиган солиғининг келиб тушиш миқдори кескин камайиб кетди. Масалан 1989 йилда давлат бюджетига айланмадан олинадиган солиғидан 20.0 млрд. рубль келиб тушмади [4]. Агар ўша вақтда 1 рубль 0,90 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, биз у ҳолатда 22,0 млрд. АҚШ доллар миқдорида даромадларнинг келиб тушмаганлигини кўришимиз мумкин. Россиялик бошқа иқтисодчи олим, иқтисод фанлар доктори, академик В.К. Сенчаговнинг фикрича, алкоголь махсулотлари ишлаб чиқаришнинг кескин камайиб кетиши натижасида айланмадан олинадиган солиғидан келадиган даромадлар 1987 ва 1988 йилларда 30,0 млрд. рубль (33.0 млрд АҚШ доллари эквивалентида) ва умуман 1985-1990 йиллар давомида 100.0 млрд рубль (110.0 млрд АҚШ доллари эквивалентида) давлат бюджетига келиб тушмади [5]. Бундан ташқари алкогольга қарши компания мамлакат пул тизимини бузилишига олиб келди. Мамлакат молия тизимида юзага келган кескинлик истеъмол товарларига нарх-навонинг кўтарилишига сабаб бўлди. 1986-1987 йилларда алкоголь махсулотлар нархи 42 фоизга ва озиқ-овқат махсулотларига нарх-наво 10 фоизга ошди [5]. Ундан кўрилган иқтисодий зарарларни қоплаш бевосита давлат зиммасига тушди ва бу мавжуд молиявий қийинчиликларнинг янада кескинлашига олиб келди. Бундай салбий оқибатларни бартараф этиш учун собиқ Марказ ноанъанавий усуллардан фойдалана бошлади.

Мамлакатда қабул қилинган «1989 йил учун СССР Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга асосан давлат бюджети харажатларининг ҳажми давлат бюджети даромадлари ҳажмига нисбатан 36,0 млрд. рубль (39,6 млрд. АҚШ доллари эквивалентида) миқдориди тақчиллик билан қабул қилинди. Ушбу тақчилликни қисқартириш учун қуйидаги ноанъанавий манбадан фойдаланишга қарор қилинган. Унга асосан давлат бюджети даромадлари таркибига собиқ СССР Давлат банкидан 64 млрд. рубль миқдориди (70,4 млрд АҚШ доллари эквивалентида) қарз олиш киритилди [4].

Юқоридагиларни тахлил этсак, давлат банкидан олинадиган қарз ўз моҳиятига кўра даромад эмас. Демак, давлат бюджетини тақчиллигининг ҳақиқий миқдори 100,0 млрд. рубльни (36,0 млрд рубль тақчиллик миқдори ва 64,0 млрд рубль собиқ СССР Давлат банки қарзи миқдори) яъни 111,1 млрд АҚШ доллари эквивалентини ташкил этди. Давлат бюджети тақчиллигини ушбу яширинча шаклини ушлаб туриш учун собиқ марказ муомалага ҳеч нарса билан таъминланмаган пул эмиссияси билан қоплашдан бошқа чора топмади. 1989 йили бюджет эмиссияси 90,0 млрд рубльни яъни, давлат бюджети даромадларининг 20 фоизини ташкил этди. Бундан ташқари, халқаро бозорда нефть ва газнинг нархини тушиб кетиши натижасида давлат бюджети даромадлари камайиб кетди. Ушбу салбий ҳолатнинг олдини олиш учун собиқ марказ хорижий давлатлардан катта қарз олишни бошлади. 1990 йилга келиб собиқ Иттифоқнинг ташқи қарзи жуда катта миқдорга, яъни 75,0 млрд АҚШ долларини ташкил этди [4]. Агар биз собиқ Иттифоқнинг ташқи қарзларининг миқдорини қайта қўриш жараёни бошланган 1985 йилга таққосласак, у ҳолда қуйидаги ҳолат юзага чиқади. 1985 йилга қадар собиқ Иттифоқ ташқи қарзларни ўз вақтида тўлаб келувчи «ишончли кредитор» мавқега эга мамлакат ҳисобланган. У олган ташқи қарзларни ва унга ҳисобланган фоизларни ўз муддатида ва тўлиқ тўлаб келган. 1985 йил ҳолатига собиқ Иттифоқнинг ташқи қарзи 26,0 млрд АҚШ долларини ташкил этган [4]. Демак, биз юқорида таъкидлаб ўтилган омиллар асосида ташқи қарз 1991 йилга келиб 80 млрд АҚШ долларини ташкил этган. Атиги олти йил мобайнида ташқи қарз 54,0 млрд АҚШ долларига ёки 307,7 фоизга ортган. Худди шу ерда савол туғилади, собиқ Иттифоқга нима учун ташқи қарз зарур эди? Биз мазкур мақоламизда ушбу муаммони ҳал этишга ҳаракат қиламиз.

1985 йилдан бошлаб, собиқ Иттифоқ иқтисодиётида ўсиш эмас, балки стагнация юзага чиқди. Ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб кетди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибида нарх жиҳатдан арзон лекин, миқдор жиҳатдан кўп халқ истеъмол товарлари ўрнига миқдор жиҳатдан кам лекин, нарх жиҳатдан қиммат маҳсулот ишлаб чиқариш амалиётига эътибор кучайтирилди. Ушбу омил эса корхоналарнинг даромад олиш режасини бажаришига ўз таъсирини кўрсатди. Бундан ташқари, собиқ Иттифоқ қишлоқ хўжалигида табиий шарт-шароитлар натижасида ҳосилдорлик пасайиб кетди. Биз таъкидлаб ўтган ушбу омиллар собиқ Иттифоқ раҳбариятидан мамлакат аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, турли истеъмол товарлари билан таъминлаш учун уларни чет элдан сотиб олишга мажбур этди. [4]

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан мамлакат аҳолиси учун озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан жуда катта миқдорда буғдой, турли истеъмол товарлари сотиб олиш ҳамда шу асосда ички истеъмол бозорининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида собиқ Иттифоқ раҳбарияти асосан хориж мамлакат ҳукуматлари ва йирик

тижорат банкларидан қисқа ва ўрта муддатлардаги фирмали ва тижорат банкларидан АҚШ доллари шаклидаги пуллик кредитлардан фойдаланганлар. “Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, хаётимизда зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинарди. Мана, биргина мисол. Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40-50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин бизлар йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон - саргардон бўлдик. Бугун очиқ айтаверсак ҳам бўлади: 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик”. [10] Ушбу олинган қарзларни эса хорижга асосан нефть ва газни экспорт қилишдан тушган эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари) ҳисобидан тўлаб келган. 1988 йилдан бошлаб эса олдинги олинган қарзлар янги олинган қарзлар ҳисобига тўлаб бериш амалиётга киритилди. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, 1985 йил йилдан бошлаб, дунё бозорида энергетик хомашё маҳсулотлари ҳисобланган нефть ва газ хом-ашёсига бўлган нарх-навонинг тушиб кетиши натижасида собиқ Иттифоқ хориж мамлакатлар ҳукуматидан ва йирик тижорат банкларидан олган кредитларни ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаб бериш қобилиятидан маҳрум бўлган эдилар.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ўтган асрнинг 90 йиллар бошига келиб, собиқ Иттифоқ молия-бюджет тизими инқирозга учраганлиги ва жуда катта бюджет тақчилиги юзага чиққан эди.

Биз таъкидлаб ўтилган даврларда Ўзбекистон Республикасининг молия-бюджет тизимининг ҳолатини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, совет тизимидаги амал қилган бюджет тизими Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети давлат секторининг жами даромадлари ва харажатларини функционал жиҳатдан ўзида тўлиқ акс эттирмас эди. Истеъмол товарлари нархидаги айланма солиғининг марказда жамланиши, собиқ Иттифоқга бўйсунувчи корхоналарнинг, (асосан мудофаа ахамиятига эга маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар) даромадлари республика бюджетини четлаб ўтиб марказий бюджетга тушар эди. Унга асосан республикамиздаги собиқ иттифоқ ихтиёридаги йирик корхоналардан келадиган тушумлар тўғридан-тўғри собиқ иттифоқ бюджетига тушар эди. Ундан ташқари республикамизда етиштирилган пахта ва қазиб олинган қимматбаҳо металллар ҳам собиқ иттифоқ ихтиёрида эди. “Ўзбекистонда 1965 йилдан буён қанча олтин қазиб олингани маълум. Кейинги 15 йилда терилган пахтанинг ҳам ҳисоб-китоби аён. Ўзим ҳисоблаб чиққанман: шу давр мобайнида камида 35 миллиард долларлик бойлик-пахта ва олтин марказ эҳтиёжи учун олиб чиқиб кетилган. Бошқа нарсалар ҳали бу ҳисобга кирмайди” [10]. Бунинг натижасида республика бюджети даромадлари харажатларини қопламас эди ва улар ўртасидаги фарқ собиқ иттифоқ бюджетидан ажратиладиган субвенциялар ва дотациялар ҳисобидан қопланар эди. Юзага келган тақчиллик суммаси эса собиқ марказдан ажратиладиган режали субвенциялари ва собиқ СССР Давлат банкининг кредитлари ҳисобига қопланар эди.

Мамлакатимиздаги иқтисодий тадқиқотлар Марказининг Ўзбекистон Республикасининг 1985-1991 йиллардаги давлат бюджети муаммоларига бағишланган докладда қўйидаги ҳолат алоҳида таъкидлаб ўтилган. Биз бу муаммони Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг давлат бюджетининг 1985-1991 йиллардаги

маълумотлари келтирилган амалий маълумотлар келтирилган жадвал орқали ифодалаймиз.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 1985-1991 йиллардаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот<sup>1</sup>**

(млн рублда)

т/р	Номланиши	1985	1986	1987	1988	1989	1990	1991
1	Умумий харажатлар	7,924	8,254	8,989	9,065	10,000	11,500	32,554
2	Жами ички даромадлар	7,517	7,425	7,202	7,031	7,708	8,042	2,718
3	Режали субвенциялар	0,407	0,828	1,787	1,884	1,961	3,112	15,760
4	Давлат банкининг кредитлари	-	-	-	0,150	0,335	0,335	4,077
5	Ялпи миллий маҳсулот (жорий нарҳда)	-	-	27,269	29,372	30,698	32,430	61,549

Юқоридаги жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг харажатлари асосан собиқ Иттифоқдан ажратиладиган режали субвенциялар асосига қопланар эди. 1987 йилда харажатларнинг 19,9 фоизи режали субвенция ҳисобига қопланиб келинган эди. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек 1989 йилдан бошлаб давлат бюджети харажатлари собиқ Давлат банки кредитлари ҳисобига қоплана бошланди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг 19,6 фоизи режали субвенция ва 3,4 фоизи Давлат банки кредитлари ҳисобига қопланди. Лекин режалаштирилган харажатларни молиялаштириш учун даромадлар таркибида салбий ҳолат юзага чиқди. 1991 йил давлат бюджети харажатларининг 39,1 фоизи ички даромадлар ҳисобига қопланган бўлса, харажатларнинг 48,4 фоизи марказдан келадиган режали субвенциялар ва қолган 12,5 фоизи собиқ Давлат банки кредитлари ҳисобига қопланган эди [11]. Ҳақиқатда эса, 1991 йил Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг 60,9 фоизи марказдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига қопланган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1991 йил Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг 12,5 фоизи ҳеч нима билан таъминланмаган муомалага чиқариладиган қоғоз пуллар ҳисобига қопланиш белгиланган эди [9]. Ушбу омил эса 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг давлат бюджети даромадлари ва давлат бюджети харажатлари ўртасидаги бу қадар ортиб борган катта фарқ собиқ Иттифоқда бюджетлараро муносабатлар тизимининг инқирозни юзага чиқарди. 1990-1991 йилларда рўй берган сиёсий ўзгаришлар ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил топиши натижасида ушбу ажратмаларнинг келиши тўхтай бошлади. Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақиллигини эълон қилгандан сўнг эса

<sup>1</sup> Доклад № 1996-03. Государственный бюджет Республики Узбекистан. 1985-1991 гг.

ажратмалар келиши бутунлай тўхтади ва бунинг натижасида мамлакатимизда молиявий инқироз юзага келди.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ўтган асрнинг 90 йиллар бошига келиб, собиқ Иттифоқ молия-бюджет тизими инқирозга учраганлиги ва жуда катта бюджет тақчилиги юзага чиққан. Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати олдида собиқ Иттифоқдан мерос қолган жуда катта миқдордаги бюджет тақчиллигини марказдан келадиган режали субвенцияларсиз, собиқ Давлат банкининг кредитларисиз фақат ички даромадлар ҳисобига қисқартириш муаммоси юзага келган. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун республикаимизда жуда катта мақсадли ишлар амалга оширилган. Лекин эришилган ижобий натижаларга қарамасдан Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда ҳам давлат бюджети тақчиллиги муаммоси мавжуд. Мамлакатимизда 2018 йилда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,8 фоиз, 2019 йилда 1,1 фоиз, 2020 йилда 1,9 фоиз ва 2021 йилда 5,4 фоиз тақчиллик билан ижро этилди. 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,0 фоиз миқдорда тақчиллик билан қабул қилинди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабр № 276 (7778)
2. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодекси” тўғрисидаги ЎРҚ-360-сонли қонун. – Т.: Адолат. 2022.
3. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер с англ.- М.: Эксмо. 2007.
4. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. Под.ред. академика Г.Б.Поляка. - М.: Валтерс. 2010.
5. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. Под.ред. академика В.К.Сенчагова, профессора Архипова А.И.- М.: Проспект. 2012.
6. Карсон Роберт Б. Что знает экономист. – М.: Финансы и статистика. 1994
7. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Дарслик.-Т.: Иқтисод ва молия. 2009.
8. Н.Жумаев, У.Бурханов. Молиянинг долзарб муаммолари. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2003. 211б.
9. Алимов И.И. Формирование и использование средств местных бюджетов в условиях перехода к рыночным отношениям (на примере Республики Узбекистан.) Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. ВЗФЭИ. Москва.1992.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон. 1993.
11. Доклад № 1996-03. Государственный бюджет Республики Узбекистан. 1985-1991 гг.